

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**52 «Ўзагроэкспортбанк» акциядорлик тижорат банки-
ни ташкил қилиш тўғрисида**

Экспорт қилувчи ташкилотларни молиявий қўллаб-қувватлаш, мева-саб-завот маҳсулотларининг экспорт имкониятларини самарали ва барқарор ри-вожлантиришни таъминлаш, агросаноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва аҳоли учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларга кенг қўлам-даги банк-молия хизмат турларини кўрсатиш мақсадида:

1. «Ўзбекизоқовқатхолдинг» ХК, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, «Ўзагросуғурта» АЖ, «Ўзбекинвест» миллий экспорт-импорт су-ғурта компанияси, «Кафолат СК» АЖ, «Ўзагроэкспорт» АЖ ва Ўзбекистон Фермерлар кенгашининг «Ўзагроэкспортбанк» акциядорлик тижорат банки-ни (кейинги ўринларда — «Ўзагроэкспортбанк» АТБ) ташкил қилиш тўғри-сидаги таклифларига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

2. Иловага* мувофик, «Ўзагроэксспортбанк» АТБ муассислари таркиби ва эквиваленти 10,0 миллион евродан иборат бошланғич устав капитали миқдори маъқуллансин.

Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари, шу жумладан халқаро молия институтлари белгиланган тартибда «Ўзагроэксспортбанк» АТБ акциядорлари бўлишлари мумкин.

3. «Ўзагроэксспортбанк» АТБга 2020 йилнинг 1 январига қадар муддатда 15 фоиздан кам бўлмаган улуш билан стратегик хорижий инвесторни устав капиталига жалб этиш тавсия қилинсин.

4. Қуйидагилар «Ўзагроэксспортбанк» АТБнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

агросаноат маҳсулотлари, энг аввало мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилишни ҳамда тегишли инфратузилмани ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини устувор даражада молиялаштириш мақсадида жисмоний ва юридик шахсларнинг маблағларини жалб этиш;

агросаноат тармоқлари ташкилотларига ва унинг инфратузилмасига комплекс равишда кредит-ҳисоб-китоб хизматлари кўрсатиш;

агросаноат тармоғи ташкилотларини молиялаштириш учун хорижий инвесторлар, халқаро молия институтлари, чет эл банкларининг маблағларини жалб этиш, хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни ривожлантириш;

комплекс тарзда маркетинг таҳлилини ташкил этиш ҳамда халқаро бозорларнинг ҳолати ва уларнинг ривожланиш истиқболлари, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг экспорт имкониятлари тўғрисидаги маълумотларнинг ахборот банкини шакллантириш;

Ўзбекистоннинг экспорт имкониятларини ахборот ёрдамида фаол ёритиш, жумладан, хорижий банклар, халқаро ташкилотлар, дипломатик ва савдо ваколатхоналари билан фаол ҳамкорликни амалга ошириш, шунингдек халқаро реклама-савдо ахборот тармоқларига тизимли кириб бориш йўли билан;

агросаноат маҳсулотлари, энг аввало мева-сабзавот маҳсулотини халқаро бозорларга олиб чиқиш бўйича стратегиялар ишлаб чиқишда банк мижозларига кўмаклашиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги белгиланган тартибда:

«Ўзагроэксспортбанк» АТБнинг акциядорлари сифатида жаҳонга машҳур соҳа компаниялари ва банкларини, шунингдек халқаро молия институтларини жалб этишда;

агросаноат тармоғи инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга халқаро молия институтлари ва чет эл тижорат банкларининг маблағларини жалб этиш бўйича ишларни тизимли ташкил қилишга кўмаклашин.

6. «Ўзагроэксспортбанк» АТБ муассисларига икки ой муддатда ташкилий масалаларни ҳал этиш, шу жумладан банк уставини, унинг ташкилий

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

тузилмасини, акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорни белгиланган тартибда тасдиқлаш ҳамда акцияларни муассислар ўртасида жойлаштириш муддатларини белгилаш юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тавсия қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига:

«Ўзагроэксспортбанк» АТБни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш;

Ўзбекистон Банклари уюшмаси билан биргаликда «Ўзагроэксспортбанк» АТБни малакали мутахассислар билан тўлдиришда ёрдам бериш тавсия этилсин.

8. «Ўзагроэксспортбанк» АТБ ва унинг филиаллари давлат рўйхатига олинган санадан бошлаб 5 йил муддатга барча турдаги солиқлар ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинсин, бўшаётган маблағлар банкнинг ресурс ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга мақсадли йўналтирилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 24 январь,
ПҚ-2740-сон